

электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистемолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Истеъмолчи томондан ҳисобга олиш приборни ЭХНАТга муқобил (соз ҳолда) ишлашига тўққонлик қилиши амалдаги Қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга асосан жавобгар бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи Таъминотчи корхонанинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юқорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

махсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исероф бўлишини аниқлаш, уларни қамайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (махсулот ишлаб чиқаришининг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогност ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни қамайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни қамайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи Таъминотчи корхона томонидан белгиланган энергия истеъмоллини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. Таъминотчи корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

истеъмолчилардан электр таъминоти шартномасида белгиланган мажбуриятларни тегишли даражада бажаришни талаб этиш;

истеъмолчилар томонидан электр таъминоти шартномаси шартлари бажарилмаслиги ёки бузилиши оқибатида унга етказилган зарарнинг белгиланган тартибда қопланиши;

авария режимида истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш (Учирини);

ЭХНАТга уланган ва олдиндан тўланган маблағ тугагандан сўнг электр энергияси учун олдиндан тўловни амалга ошириш қурилмасига эга ҳисобга олиш асбоб манжурад бўлган истеъмолчиларни узиш. Бунда узилгандан сўнг истеъмолчининг кўриши мумкин бўлган зарари учун Таъминотчи корхона жавобгар бўлмайди.

Қоидалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда Истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

Таъминотчи корхона қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.4. Таъминотчи корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунгазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжжали объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр тармоғи ҳўжжали объектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириши;

Истеъмолчининг электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш (Истеъмолчи масъул ходимларини уяли алоқа воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали ёки ёзма тарзда);

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда Истеъмолчига олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш Қоидаларга мувофиқ бартараф этиш ва бағафил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (қамайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, Истеъмолчига хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

истеъмолчининг сарфлаган электр энергияси учун қарзи вужудга келганда қарзини беш кун муддатда тўлаш зарурлиги тўғрисида ёзма хабардор қилиш (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно);

Таъминотчи корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари